

PEDAGOGICAL PSYCHOLOGICAL OPPORTUNITIES FOR THE DEVELOPMENT OF STUDENT THINKING ACTIVITY IN SCHOOL AND FAMILY COOPERATION

Sherzodbek Ismoilov,

Faculty of Physical Culture, Lecturer at the
Department of Theory and Methods of Physical Culture

ANNOTATION

In this article, we aim to ensure that school and family partnerships are organized in a systematic and systematic way to increase the social activity of students, and that they work according to a clear program. The social activity of young people is recommended to understand the objective reality, to express their main social and psychological characteristics, and the generality of their implementation in practice.

Keywords: family, school, neighborhood, customs, education.

INTRODUCTION

Мактаб ўқувчиларида ижодий изланувчанликни, эркин фикрлаш қобилиятини, мустақил ўрганиш әхтиёжи ва қўнималарини шакллантиришнинг қандай ижтимоий-психологик шарт-шароитлари мавжуд? Бу соҳадаги адабиётларни ўрганиш ва хаётий кузатишлар шуни кўрсатадики, мактаб ўқувчининг ижодий имкониятлари юқори бўлиши бир қатор бир бири билан узвий боғлиқ омилларга асосланади. Бу ўринда ўқувчининг темпераменти ва билиш жараёнлари хусусиятлари билан бир қаторда, унинг шахси шаклланётган яқин ижтимоий психологик мухит хусусиятлари, унинг атрофидаги кишиларнинг (оила, синфдошлар, педагоглар ва бошқалар) интеллектуал даражаси, таълим тарбия жарёнининг ижодий қобилиятларнинг ривожланишига кай даражада мослигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Мутахассислар фикрича, мактабда болага меҳрли муносабат, уларга етарли эркинлик бериш, уларни кўп таъқиб қиласлиқ, кўпроқ мулоқотда бўлиш, айниқса ижодий иқтидорликни ва тафаккурни ривожлантиришга йўналган ўйинларни бирга ўйнаш болаларда ижодий, мустақил фикрлаш қобилиятининг шакллананишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса уларда ижодўий фаолликни англаш ва фаол фуқаролик позициясини намоён қилишга оид билим ва кўнималарни шакллантиради.

Таълим-тарбия жараёнининг ёшларда ижтимоий фаолликни оширишда таълим берувчи ва таълим оловчилар муносабатларини демократлаштириш, ўқитувчининг мавқеига қарашни, таълим шакли, мазмуни ва технологияларига янгича, яъни инновацион ёндашувни жорий қилишни, умуман олганда таълим тизими ва давлат органлари ҳамкорлики асосида институтционал тизимини яратишни тақозо этади. Бундай янгича ёндашув энг аввало ўқитувчи ўқувчи ўртасидаги муносабатни тубдан ўзгартиришни талаб этади. Бугунги кунда хам кўпчилик ҳолларда мактаблардаги педагогик жараёнларда ўқитувчи хукмрон бўлиб, улар асосан билим, маълумот узатувчи ва ўқувчиларнинг хулқ-автори бўйича ўз фикрларини, маслаҳатларини, кўрсатмаларини билдирувчи сифатида ўзларини тутмоқдалар. Бундай ҳолат таълим оловчиларда ижтимоий фаоллик қобилиятларини ривожлантиришга эмас, балки уларнинг тайёр билимлар захирасини

пассив ўзлаштиришларига, уларда мажбурий итоаткорликни шакллантиришга мосдир. Мавжуд таълим шакллари ва анъанавий таълим технологиялари асосан ўқитувчи фаоллигига таянади. Шу боис, таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш, пассив қабул қилувчилик шаклидан олиб чиқиш уларда ижтимоий ташаббускорликни ҳам шаклланади.

Таълим жараёнида бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган маълумотларни мантиқий давом эттириб, уларни юқори синф ўқувчилари учун мослаштириш лозим ва юқори синф ўқувчилари учун берилаётган маълумотларни давом эттириб, уларни академик лицей ва касб-хунар коллежлари талабаларига мос тарзда тақдим этиш мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда оила ва мактаб ўқитувчилари алоҳида ўрин тутади. Шу боис мактаб ва оиласда ҳам юқорида баён қилинган фикрларни мантиқий давом эттириш мумкин. Оила ва мактаб ўқитувчилари учун танланадиган маълумотларни юқорида келтирилган барча бўғинлардаги материаллар асосида ишлаб чиқиш жоиздир. Ўқувчиларининг ижтимоий фаоллигини оширишда оиласлар ва мактаб тизими ўзига хос хусусиятларга эга. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мактаб ўқувчиларининг ижтимоий фаоллигини оширишда оиласий муҳитнинг ўрни юқори ҳисобланади. Оиласда шахснинг таснифий асослари шаклланади, унинг меҳнатга, ахлоққа, ғоявий ва маданий кадриятларга бўлган муносабатлари шаклланади. Мактаб ўқувчиларининг ижтимоий фаоллиги нафақат касб - хунар ўрганиш, билим олиш билан эмас, балки ижтимоий муҳит таъсирида ҳам шаклланади. Ижтимоий муҳитда шаклланган салбий ҳатти-хараткатлар ёшларни психологик жароҳатлаши мумкин, натижада ёш шахс жамиятдан узоқлашиб, одамлар билан алоқасини узишига олиб келади, бу эса ижтимоий ҳаётда нофаол шахс бўлиб этишишга сабаб бўлади, жамиятга умуман фойдаси тегмайдиган кишига айланади. Шу боис, мактаб ўқувчиларининг ижтимоий фаоллигини оширишда уларнинг психологик мотивациялаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун мактабларда таълим сифатини ошириш, таълимда самарадорликка эришиш билан бирга уларда психологик мотивацияни ошириш ижтимоий фаоллигини оширишдаги муҳим омил ҳисобланади. Шу боис, «сўнги йилларда мактаб таълимида истеъдодли ва салоҳиятли ёшларни танлаб олиш, уларни ўқитиши ва келгусида мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшадиган етук мутахассислар қилиб тайёрлаш учун ижод мактаблари» ни ташкил этилмоқда.

Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги объектив реалликни англаш, ўзининг асосий ижтимоий ва психологик хусусиятларини ифода этиш ҳамда амалиётда татбиқ этишнинг умумийлигини билдиради. Ёш авлод тарбияси билан шуғулланадиган инсонлар, яъни оиласда – отоналар, маҳаллада – қўни-қўшни ва кенг жамоатчилик, таълим муассасасида – ўқитувчи ва мураббийлар ёшларнинг баркамол инсон, ижтимоий фаол шахс бўлишлари учун масъул эканлиги келиб чиқади.

2. Мактаб ёшларининг ижтимоий фаоллигини ошириш меҳназизмларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш, уларнинг жойлардаги ижросига масъулият билан ёндашиш, барча масъул субъектлар – аввало оила, маҳалла, таълим муассасаларининг, шунингдек тегишли давлат органлари, нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг биргалиқдаги ишини йўлга қўйиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ёшларининг ижтимоий фаоллигини оила, ва мактаб ҳамкорлигига ошириш орқалилоқайдлик,

бепарвоник, боқимандалик каби ижтимоий иллатларни таъсирини камайтириш ва миллат равнақини ўйлайдиган авлодни тарбиялаш мумкинлиги келиб чиқади.

3. Мактабўқувчиларининг ижтимоий фаоллигини оширишда оиласий муҳитнинг ўрни юқори эканлиги хulosса қилинди. Оилада шахснинг таснифий асослари шаклланади, унинг меҳнатга, ахлоққа, ғоявий ва маданий қадриятларга бўлган муносабатлари шаклланади. Таълим тизимида қишлоқ мактаби ўқувчиларининг фақат билим доирасини кенгайтириш асосий мақсадга айланмаслиги лозим, уларда фаол фуқаролик позициясига оид кўникма ва малакаларни шакллантириш биринчи ўриндаги вазифа бўлмоғи керак.

4. Ўқувчиларини ижтимоий фаоллигини, юрга садоқатини ва меҳнатсеварлигини оширишда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ва ушбу жараёнга бевосита масъул бўлган шахслар, ота-оналар, ўқитувчилар, психолог, шифокор, болалар етакчиси, тўгарак раҳбарлари, кутубхона ходимлари, маҳалла фаоллари, қўни-қўшни, қариндош-урӯллар, тенгдошлар, ҳудудий меҳнат бозори мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари, яқин корхоналар ҳамкорлигини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

5. Маҳалла ва оила ҳамкорлигига мактаб ўқувчиларида ижтимоий фаоллигини оширишга йўналтирилган педагогик тизимни такомиллаштириш тадбирлари тизимли, дидактик ва технологик талабларга асосланган ҳолда ташкил этилиши лозимлигини тадқиқотимиз натижалари яққол кўрсатди. Тажриба-синов ишлари асосида олиб борилган математик-статистик таҳлиллардан хulosса қилиб шуни айтиш мумкинки, тажриба гурӯҳларида қўлланилган синов методикаси самарадор бўлиб, ўтказилган тажриба-синов таҳлиллари уни мамлакатимиздаги мактаб таълим тизимида оммалаштириш мумкинлигига асос яратади.

6. Амалга оширилган тадқиқот натижасида оила ва мактаб ҳамкорлигига ўқувчиларининг ижтимоий фаоллигини оширишга йўналтирилган педагогик тизим, уни амалиётга жорий этишга қаратилган илмий-методик тавсияларнинг самарадорлиги аниқланди ва мазкур педагогик тизимни такомиллаштириш йўллари кўрсатилди.

Юқоридаги хulosалар асосида қуйидаги тавсияларни тақдим қиласмиз:

- ўқувчиларининг ижтимоий фаоллигини оширишда мактаб ва оила ҳамкорлигини изчил ва тизимли ташкил этиш ҳамда аниқ дастур асосида иш олиб боришларига эришиш;
- Ўзбекистон Ёшлар агентлигининг ёшларни қўллаб-қувватлашга оид амалий ишлари кўламини кенгайтириш ва аниқ амалий ишларни йўлга қўйиш.
- Оила ва мактаб ҳамкорлигига маҳалланинг фаол ва обрўли, жамиятда ўз ўрнини топган машҳур инсонлар билан учрашувларни тез-тез ташкил этиш орқали ёшларининг ижтимоий фаолликка мотивацияни шакллантириш лозим.
- Ўқувчи-ёшларининг ижтимоий фаолликка оид билим, кўникма, малака ва компетенцияларини оширишга хизмат қиласидиган амалий фаолиятга асосланган Давлат дастурини ишлаб чиқиши;
- давлатимиз раҳбари ташаббуслари асосида мактабларда ёшларининг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган «вазир соати», «ҳоким соати», «тадбиркор сабоги» каби мотивацион дарслар ва учрашувларни тизимли йўлга қўйиш керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Tuychieva, I. I. (2018). Mechanisms Ensuring Children's Thought Activity Development at Preschool Education Process. *Eastern European Scientific Journal*, (6).
2. Туйчиева, И.И. "Вопросы обеспечения активизации мыслительной деятельности детей в процессе дошкольного образования." *Psycho-pedagogica Iproblems of a personality and social interaction*. 2019.
3. Tuychieva, Inoyatkhon, et al. "THE PEDAGOGICAL SYSTEM OF PREPARING BOYS FOR FAMILY RELATIONSHIPS IN GENERAL SECONDARY SCHOOLS." *湖南大学学报(自然科学版)* 48.8 (2021).
4. Джалаев Б, "Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг назарий методологик асослари." *Педагогика ва психологияда инновациялар* 10.3 (2020).
5. Maksudov, U. K. (2020). ISSUES OF NATIONAL VALUES AND SOCIAL ACTIVITY OF STUDENTS IN THE DEVELOPMENT OF POSITIVE PSYCHOLOGY. In *Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества* (pp. 394-396).
6. Юлдашов И.А. Селеское школа семья : формирования у подростков активной социальной деятельности. Образование XXI век возов, проблемы, перспективы литературы VIII международной научной – практической конференции. Украина, Сумы, 2020 г.
7. Юлдашов И.А. Сотрудничество махалли и кенгаша схода сельских граждан, школы, семьи в процессе формирования у подростков социальной активности. INNOVATIVE DEVELOPMENT OF HIGHER EDUCATION: GLOBAL, EUROPEAN AND NATIONAL DIMENSIONS OF CHANGE. 23-24 April 2020. №2 139-144 стр. Украина.
8. Юлдашов И.А.Қишлоқ мактаб ўқувчиларининг ижтимоий фаоллигини оширишда оила, махалла ва мактаб ҳамкорлигини ривожлантириш механизмлари.Фуқаролик жамияти. (Гражданское общество)2021 №3(67),18-21 бетлар
9. Юлдашов И.А. Фойназаров F. Activities Of Physical Education And Sports Specialists. ИНТЕР НАУКА НАУЧНЫЙ. ЖУРНАЛ. Москва.2021г.18-19 бетлар
- 10.Фойназаров F.А.КИЧИК МАКТАБ ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР.Scientific progress.2021 й.202-211 бетлар.